



УДК:616-053.2

**ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИДА ЯШОВЧИ 5 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ
САЛОМАТЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИ
БАҲОЛАШ.**



Машарипова Роза Тельмоновна

Катта ўқитувчи, Урганч давлат тиббиёт институти,
Педиатрия ва неонатология кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: rozamasharipova65@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0005-6450-0244>

Tel: +998973632334



Алиева Парохат Рустамовна

Ассистент, Урганч давлат тиббиёт институти,
Педиатрия ва неонатология кафедраси Ассистенти

E-mail: aliyevafarohat@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-2491-506X>

Tel: +998919979703



Салоева Зулфия Шаназаровна

Ассистент, Урганч давлат тиббиёт институти,
Педиатрия ва неонатология кафедраси Ассистенти

E-mail: zulfiyasalayeva79@.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-9629-5271>

Tel: +998975127936

**ОЦЕНКА ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ПОКАЗАТЕЛИ ЗДОРОВЬЯ ДЕТЕЙ В
ВОЗРАСТЕ ДО 5 ЛЕТ, ПРОЖИВАЮЩИХ В ПРИАРАЛЬСКОМ РЕГИОНЕ**



Машарипова Роза Тельмоновна

Старший преподаватель, Ургенский государственный
медицинский институт, Кафедра педиатрии и неонатологии

E-mail: rozamasharipova65@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0005-6450-0244>

Тел.: +998973632334



Алиева Парохат Рустамовна

Ассистент, Ургенский государственный медицинский институт,
Кафедра педиатрии и неонатологии

E-mail: aliyevafarohat@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-2491-506X>

Тел.: +998919979703



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI**

1-TOM, 3-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740



Салоевой Зулфия Шаназаровы

Ассистент, Ургенчский государственный медицинский институт,

Кафедра педиатрии и неонатологии

E-mail: zulfiyasalayeva79@.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-9629-5271>

Tel: +998975127936

**ASSESSMENT OF FACTORS AFFECTING THE HEALTH INDICATORS OF CHILDREN
UNDER FIVE LIVING IN THE ARAL SEA REGION**



Masharipova Roza Telmonovna

Senior Lecturer, Urgench State Medical Institute,

Department of Pediatrics and Neonatology

E-mail: rozamasharipova65@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0005-6450-0244>

Tel.: +998973632334



Alieva Parokhat Rustamovna

Assistant, Urgench State Medical Institute,

Department of Pediatrics and Neonatology

E-mail: alievafarohat@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-2491-506X>

Tel.: +998919979703



Salaeva Zulfia SHanazarovna

Assistant, Urgench State Medical Institute,

Department of Pediatrics and Neonatology

E-mail: zulfiyasalayeva79@.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0002-9629-5271>

Tel: +998975127936

АННОТАЦИЯ.

Кириш. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрига кўра, «...атроф-муҳит омилларининг саломатлик ҳолатига таъсирининг улуши 17-20% да баҳоланади, бу кичик кўрсаткич эмас ва фақат улуши 18-22% га тенг бўлган генетик ва биологик омиллардан биров орқада қолади». Оналар ва болалар соғлигини яхшилаш келажак авлоднинг саломатлигини белгилайди. Болалар, айниқса 5 ёшгача бўлган болалар касалланиши ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Мақсад. Орал бўйи ҳудудида яшовчи болаларни касалланиш кўрсаткичларини ўрганиш уларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

Натижалар: Олинган маълумотларга кўра, бу болалар орасида касалланиш даражаси 240, баланд 326 (100%)га тенг. Умумий касалланиш кўрсаткичининг нисбатан пастлиги, барча касалликларнинг ҳам амбулатория карталарига қайд қилинмаслиги сабабларидир. Сўров –



анкета ёрдамида олинган маълумотлардан аниқланишича 43% ота – оналар бола бемор бўлганда врачга мурожат қилмасдан, ўзлари даволашга ҳаракат қиладилар.

Текширилган болалар орасида мурожатга кўра касалланиш 1 ёшгача болаларда энг кўп қайд қилинишини кўриш мумкин.

Хулоса: 5 ёшгача бўлган болаларда нафас тизими касалликлари билан касалланиш даражаси юқори бўлиб, сурункали шаклга айланиш эҳтимоли юқоридир. Врач – педиатрлар болаларнинг нафас тизими билан касалланишига жиддий эътибор беришлари лозим.

Калит сўзлар: саломатлик кўрсаткичлари, орол бўйи, таъсир қилувчи омиллар

Введение. По мнению экспертов Всемирной организации здравоохранения, «доля влияния факторов окружающей среды на состояние здоровья оценивается в 17–20%, что является немалой величиной и лишь немного уступает влиянию генетических и биологических факторов, составляющему 18–22%». Улучшение здоровья матерей и детей определяет здоровье будущего поколения. Заболеваемость детей, особенно до 5 лет, является важной социальной проблемой.

Цель. Изучить показатели заболеваемости детей, проживающих в Приаральском регионе, и определить факторы, влияющие на их возникновение.

Результаты. Согласно полученным данным, уровень заболеваемости среди этих детей составляет от 240 до 326 (100%). Относительно низкий показатель общей заболеваемости объясняется тем, что не все случаи заболеваний фиксируются в амбулаторных картах. По данным анкетного опроса, установлено, что 43% родителей при заболевании ребёнка не обращаются к врачу, а пытаются лечить его самостоятельно. Среди обследованных детей наибольший уровень заболеваемости по обращаемости наблюдается у детей в возрасте до 1 года.

Вывод. У детей в возрасте до 5 лет наблюдается высокий уровень заболеваний органов дыхательной системы, с высокой вероятностью перехода в хроническую форму. Педиатры должны уделять особое внимание заболеваемости дыхательной системы у детей.

Ключевые слова: показатели здоровья, Приаральский регион, влияющие факторы.

ABSTRACT

Introduction. According to experts from the World Health Organization, “the contribution of environmental factors to health status is estimated at 17–20%, which is not insignificant and is only slightly lower than the contribution of genetic and biological factors, which amounts to 18–22%.” Improving maternal and child health determines the well-being of future generations. Child morbidity, especially among children under the age of five, is considered a significant social issue.

Objective. To study morbidity indicators among children living in the Aral Sea region and to identify factors influencing their development.

Results. According to the obtained data, the morbidity rate among these children ranges from 240 to 326 (100%).

The relatively low overall morbidity rate is due to the fact that not all cases of illness are recorded in outpatient medical cards. Survey results revealed that 43% of parents, when their child becomes ill, do not consult a doctor but try to treat the child on their own. Among the examined children, the highest morbidity rate based on medical consultations was observed in those under one year of age.

Conclusion. Among children under five years of age, respiratory system diseases are the most prevalent, with a high likelihood of becoming chronic.

Pediatricians should pay special attention to the incidence of respiratory diseases in children.

Key words: health indicators, Aral Sea region, influencing factors.

Кириш: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрига кўра, «..атроф-муҳит омилларининг саломатлик ҳолатига таъсирининг улуши 17-20% да баҳоланади, бу кичик кўрсаткич эмас ва фақат улуши 18-22% га тенг бўлган генетик ва биологик омиллардан



бироз орқада қолади». Орол бўйи худуди экологияси ва аҳолисининг саломатлиги нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон жамоатчилиги учун ҳам долзарб муаммодир[7,8].

Хоразм вилояти Орол бўйи минтақаси таркибига киргани учун, у ердаги атмосфера ҳавоси ўзининг тез ўзгарувчанлиги, ҳаракатчанлиги, чегарасиз ҳажмлилиги билан ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида инсон организмида юзага келадиган нафас йўллари касалликларининг ҳаво, чанг, сув, озик-овқат маҳсулотлари таъсирида янада оғирлашишига, турли хил асоратларнинг юзага келишига туртки бўлишини кўрсатади [Ғазизова А.О. 2018]. Бу худуддаги атмосфера ҳавоси нафақат инсон организми ва барча жониворларга балки, гидросферага, тупроқ ва унда ўсаётган ўсимликларга, геологик муҳитга ҳам катта зарарловчи таъсир кўрсатади.

Экологик вазиятнинг ноқулайлиги Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисининг муаммосига айланади, лекин айниқса бу ҳолатдан болалар азият чекмоқда, чунки мослашув ва химоя тўқима тизимларининг функционал етилмаганлиги туфайли болалар организми атроф-муҳит омилларининг таъсирига жуда сезгир. Орол бўйи минтақасидаги экологик ўзгаришлар кўп жиҳатдан ўсиб келадиган ёш авлод саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Республикамизда соғлом авлодни тарбиялаш энг муҳим ва долзарб муоммалардан биридир[8,9].

Сўнгги йилларда аҳоли саломатлигига турли хавф омилларининг таъсири, масалан, ташқи ноқулай экологик муҳит, ҳомиладорлик ва туғишнинг патологик кечиши, болани сунъий овқатлантириш, ота-оналарнинг ёмон одатлари, дунёдаги экологик ўзгаришлар иммунитетнинг пасайишига олиб келмоқда, қаршилиқ ва унга параллел равишда катталар ва болалар ўртасида турли патологияларнинг кўпайиши, ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади.

Оналар ва болалар соғлигини яхшилаш келажак авлоднинг саломатлигини белгилайди. Болалар, айниқса 5 ёшгача бўлган болалар касалланиши ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: Орол бўйи худудида яшовчи болаларни касалланиш кўрсаткичларини ўрганиш уларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

Материал ва услублар: Биз томонимиздан Урганч шаҳрининг 3-сон оилавий поликлиникаси, ВБКТТМ поликлиникасида 240 нафар 5 ёшгача бўлган болаларнинг 112/у формаси ва тиббий мурожаати асосида уларнинг саломатлик ва касалланиш кўрсаткичлари ўрганилди. Маълумотлар тиббий ҳужжатлардан кўчирма йиғилди.

Натижалар: Ҳозирги кунда болалар саломатлигини, жисмоний ривожланишини ва ҳар тамонлама баркамол шахс бўлиб етишини таъминлаш борасида ҳукумат ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан бир қанча ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Шу борада болалар касалланиш кўрсаткичларини ўрганиш уларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва касалланиш кўрсаткичларини камайтириш чора – тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида кўпгина тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кузатувда жами 240 нафар бола бўлиб, шулардан 110та қиз,130 ўғил болалар.(1-жадвал).

1-жадвал

Болалар ёши ва жинсига кўра контингенти

Ёши	Кузатувда бўлган болалар абсолют сони	Умумий сонига нисбатан %	Шундан			
			Қиз болалар		Ўғил болалар	
			Абс. сони	%	Абс. сони	%
1 ёшгача	74	36,8%	32	40,6%	43	59,3%
1-2	61	28,1%	24	42,2%	34	57,7%
2-3	43	17,5%	27	57,1%	20	42,8%
3-4	31	8,7%	15	50%	15	50%



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 3-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

4-5	31	8,7%	12	28,5%	18	71,4%
жами	240		110		130	

Олинган маълумотларга кўра, бу болалар орасида касалланиш даражаси 240 баланд 326 (165,6%)га тенг. Умумий касалланиш кўрсаткичининг нисбатан пастлиги, барча касалликларнинг ҳам амбулатория карталарига қайд қилинмаслиги сабабларидир. Сўров – анкета ёрдамида олинган маълумотлардан аниқланишича 43% ота – оналар бола бемор бўлганда врачга мурожат қилмасдан, ўзлари даволашга ҳаракат қиладилар.

Текширилган болалар орасида мурожатга кўра касалланиш 1 ёшгача болаларда энг кўп қайд қилинишини кўриш мумкин. (2-жадвал).

2-жадвал.

5 ёшгача бўлган болаларнинг ёши ва жинсига кўра мурожат асосида умумий касалланиш кўрсаткичлари

Ёши	Умумий касалланиш	Жумладан	
		Ўғил болалар	Қиз болалар
1 ёшгача	113	54	69
1-2	122	65	61
2-3	50	20	29
3-4	21	12	-
4-5	20	14	-
жами	326	165	161

Бола ҳаётининг 2 ёшидан кейин касалланиши пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 4-5 ёшда бирмунча кўпайган. Буни бола ҳаётининг дастлабки йили ва кейинги 4-5 ёшларда мактаб олдида тиббиёт ходимларининг эътибори кучайганлиги, патронаж ўтказилиши, тиббий кўрикларнинг натижаси деб тушунтириш мумкин.

Болалар мурожатига кўра, касалланиш кўрсаткичлари орасида таркиби ва даражасига кўра нафас олиш тизими касалликлари биринчи ўринда туради (80%). Қиз болалар ўртасида нафас олиш тизими касалликлари 44,2%, ўғил болалар ўртасида эса 55,8% ни ташкил этади ($p^{0,05}$). Бундан кўринадики, қиз болаларда мослашув тизими ўғил болаларга нисбатан юқоридир. Нафас олиш тизими касалликлари турли ёшларда ҳар хил кўрсаткичларга эга. Энг кўп касалланиш 1 ёшгача бўлган даврда бўлиб, бу улар нафас тизимининг хали етилмаганлиги сабабларидир.

Нафас тизими касалликларнинг асосий ўткир респиратор инфекция (78,5%), бронхит (35%), ангина (14,2%), аллергия (48,7%) касалликлар ташкил қилади.

Болаларнинг 5 ёшгача УРК, ангина, аллергия гриппнинг кўпайиб бориши, бронхит касаллигининг нисбатан юқори даражали туриши диққатни тортади, чунки бу касалликлар сурункали бронх – ўпка касалликларини келтириб чиқариш хавфини оширади.

Хулоса: Шундай қилиб, 5 ёшгача бўлган болаларда нафас тизими касалликлари билан касалланиш даражаси юқори бўлиб, сурункали шаклга айланиш эҳтимоли юқоридир. Врач – педиатрлар болаларнинг нафас тизими билан касалланишига жиддий эътибор беришлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кильдиярова, Р. Р. Основы формирования здоровья детей [Электронный ресурс] / Р. Р. Кильдиярова, В. И. Макарова, Ю. Ф. Лобанов – М. ГЭОТАР-Медиа, 2016. – 328 с. – Режим доступа: <http://www.studmedlib.ru>
2. Запруднов, А. М. Общий уход за детьми: учебное пособие / А. М. Запруднов, К. И. Григорьев. – М. : ГЭОТАР-Медиа, 2011 – 416 с.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 3-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

3. Запруднов, А. М. Общий уход за детьми [Электронный ресурс] / Учебное пособие / А. М. Запруднов, К. И. Григорьев. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2013. – 416 с. – Режим доступа: <http://www.studentlibrary.ru>
4. Руководство по методике обследования здорового и больного ребенка: учебное пособие под ред. Т. А. Нагаевой. – Томск : Сибирский медицинский университет, 2007 – 155 с.
5. Нагаева, Т. А. Физическое развитие детей и подростков: учебное пособие / Т. А. Нагаева, Н. И. Басарева, Д. А. Пономарева – Томск: Сибирский государственный медицинский университет, 2011. – 101 с.
6. Нагаева, Т. А. Физическое развитие детей и подростков [Электронный ресурс]: учебное пособие / Т. А. Нагаева, Н. И. Басарева, Д. А. Пономарева – Томск: Сибирский государственный медицинский университет, 2011. – 101 с.: Режим доступа <http://irbis64.medlib.tomsk.ru>.
7. Абдуллаев Р.Б., Дусчанов Ш.Б., Маткаримова Д.С., Мусаев М.Р., Хамидова Г.С., Абдуллаев И.Р. Аральский кризис: проблемы экологической культуры и здоровья. — Ургенч, 2012. — 116 с.
8. Балева Л.С., Сипягина А.Е. Экологическая педиатрия - актуальная проблема современности. Рос вестн перинатол и педиатр 2020; 65:(6):6-11.
9. Григорьев А.И., Григорьев К.И. Роль неблагоприятных факторов окружающей среды в формировании нарушений адаптации у детей и подростков. Медицинская сестра. 2018; 20 (7): 32–8.

